

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ХАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ
№ 1-1416-2102/20**

2021 йил апрель ойининг 20 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Б.Алиқулов, хайъат судьялари Ҳ.Ярашов ва Б.Жумабаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Раджабованинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи М.Д ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Обидов, судланувчи И.Б ва унинг ҳимоячиси - адвокат У.Каримовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2021 йил 10 мартдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди, 274-моддаси 2-қисми “а” банди, 273-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 4-қисми билан судланувчи

Дж.М.Э (Dj.M.E), 19xx йил хх апрель куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам

1) жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2009 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 10 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2017 йил 6 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 6 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2019 йил 15 август кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 1 йил 16 кун муддатидан илгари шартли озод қилинган;

вақтинча ишламаган, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди билан судланувчи

Б.И.И.ў (B.I.I. o), 19xx йил х май куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED], иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи М.Д ва И.Б нинг апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И



М.Д Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди билан 6 йил, ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 йил, ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми банди билан 10 йил, ЖКнинг 274-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига кўра ўта хавфли рецидивист деб топилган ва жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

И.Б Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган ҳамда ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш чораси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Д илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этган бўлишига қарамасдан, 2012 йилда терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан олган “героин” гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб келиб, 2019 йил ноябрь ойидан 2020 йил 24 ноябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида судланувчи И.Б ни ва 2020 йил 22 ноябрь куни соат 8:00 ларда таниши Ғ.Олимовни “героин” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга қизиқтириб, уларга “героин” гиёҳвандлик моддаларини турли миқдорларда ўтказиб, истеъмол қилишлари учун яшаш уйининг ошхонасида шарт-шароит яратиб бериб, бир дона “газ баллон” ва “героин” гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиш учун мўлжалланган 15 см.лик сим бўлақларини олиб келиб бериб, бангхона ташкил қилиб келганлиги 2020 йил 25 ноябрь куни Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ ва ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси 9224-ҳарбий қисм тезкор бўлим ходимлари ҳамкорлигида аниқланиб, яшаш уйининг ошхонасидаги шкаф орқасидан бир дона 15 см.лик сим бўлағи ва уйининг бошқа хонасидан 2 дона 15 см.лик сим бўлақлари ҳамда келгусида қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаб келаётган бир дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси ичида бўлган, оқ рангли қоғоз бўлағига ўралган кўп миқдордаги 0,01 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси топилиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Бундан ташқари, М.Д ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ғаразғўйлик ниятларда, Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси (сўм)ни қалбаки ясаб, ўтказиш мақсадида судланувчи И.Б билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2020 йил 24 ноябрь куни соат 10:00ларда И.Б нинг Ургут тумани, “Қолдивойжар” маҳалласи, “Қорабоғлон” қишлоғида жойлашган яшаш уйида И.Б га тегишли бўлган қора рангли “EPSON” русумли рангли принтер ёрдамида 11 дона А-4 форматдаги оқ қоғозларга 100.000 сўмлик купюрадаги пуллар тасвирини тушириб, 2 дона бир хил серия рақамли 100.000 сўмлик купюрага ўхшаш жами 35 дона яъни 3.500.000 сўм қийматга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ҳисобланган 100.000 сўмлик купюрадаги пулларни қалбаки кўринишини яшашганлиги аниқланиб, М.Д нинг яшаш уйининг қурилиши битмаган хонасидан 100.000 сўмлик купюрадаги жами 33 дона пуллар тасвири туширилган 11 дона А-4 форматдаги оқ қоғозлар, 2 дона серия рақамлари бир хил яъни AU0803179 бўлган 100.000 сўмлик купюрадаги сохта пуллар, И.Б нинг яшаш уйидан бир дона қора рангли “EPSON” русумли рангли принтер тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи М.Д нинг апелляция шикоятда, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган гугурт қутиси ичидаги гиёҳвандлик моддаси унга тегишли эмаслиги, ушбу гиёҳвандлик моддаси тезкор ходимлар томонидан унинг уйига ташлаб қўйилганлиги, гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятини содир этмаганлиги ҳақида важлар келтириб, ишни адолатли кўриб чиқишни ҳамда тезкор ходимларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.



Судланувчи И.Б нинг апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва оилавий шароитини инобатга олган ҳолда, жазосини енгиллаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Б.Аликуловнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, судланувчилар М.Д ва И.Б нинг апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи судланувчи М.Д нинг ва унинг ҳимоячиси У.Обидов, судланувчи И.Б ва унинг ҳимоячиси У.Каримовнинг шикоятларни қаноатлантириб, суднинг ҳукмини шикоятда келтирилган вазлар асосида ўзгартириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчилар М.Д ва И.Б нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, гувоҳлар Ш.С, Қ.Қ, Ф.Х ва Ғ.О.нинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари, судга оид кимёвий, техника-криминалистик, наркологик экспертизаси хулосалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи М.Д нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди, 274-моддаси 2-қисми “а” банди ва 273-моддаси 4-қисми билан, судланувчи И.Б нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Жиноят иши дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига, шунингдек Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 24-сонли Қарорининг тушунтиришларига, шу жумладан жиноят ишини юритишда, далилларни тўplash, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда юритилиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 27-бандида, судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахснинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми “а” банди, ЖК 274-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан жиноий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобда назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан М.Д нинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сақлаш жинояти сифатида тўғри эътироф этган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан квалификация қилгани ҳолда, юқорида қайд этилган Олий суд Пленумининг тушунтиришларига риоя этмаган.

Хусусан, М.Д илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятини, яъни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 10 январдаги ҳукмига асосан ЖКнинг 273-



моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан қасдан гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган.

Бундай ҳолда, М.Д нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “а” банди билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497-29-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақли эканлиги, биринчи инстанция судининг айблов ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирган ҳолда бекор қилиниши фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра янги ҳукм чиқариш орқали амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, судлов ҳайъати, мазкур жиноят ишини апелляция инстанциясида кўрилишида айни пайтда прокурорнинг протести мавжуд эмаслигини эътироф этган ҳолда, маҳкумга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўлламасликни лозим деб топади.

Судланувчи М.Д нинг шикоятидаги, гиёҳвандлик моддаси тезкор ходимлар томонидан унинг уйига ташлаб қўйилганлиги, гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятини содир этмаганлиги ҳақидаги вазлари:

судланувчи И.Б нинг суддаги, 2019 йил ноябрь ойининг бошларида тоғаси М.Д нинг яшаш уйига борганида, унга “героин” гиёҳвандлик моддаси борлигини, агарда истеъмол қилса зўр “кайф” беришини, ўзини жуда қувноқ ҳис қилишини, барча ташвишларни унутишини айтиб, уни қизиқтириб қўйгани, шунда “героин” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга қарор қилиб, М.Д дан 300-400 минг сўмга бир чекимлик “героин” сотиб олиб, иккаласи бирга М.Д ни ошхонасига олиб кириб, симни қиздириб тутатиш йўли билан истеъмол қилишгани, шу тариқа бир неча марта “героин” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, М.Д ни ошхонасида истеъмол қилиб келганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ш.С.нинг суддаги, 2020 йил ноябрь ойининг ўрталарида олинган тезкор маълумотларга кўра фуқаро М.Д гиёҳвандлик моддалари ноқонуний савдоси билан шуғулланиб, яшаш уйида гиёҳвандлик моддаси сақлаб келаётганлиги ҳақида маълумот келиб тушганлиги, шундан сўнг тезкор қидирув йўналиши бўйича фуқаро М.Д ни сиртдан ўрганиб чиқишни бошлаб, ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси 9224-сонли ҳарбий қисм тезкор ходимлари билан ҳамкорликда тезкор ишлар олиб борилиб, 2020 йил 25 ноябрь куни соат 14:00ларда ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси 9224-сонли ҳарбий қисм тезкор ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро М.Д нинг яшаш уйини кўздан кечириш мақсадида бориб, икки нафар холислар иштирокида видео камера ёрдамида кўздан кечириш ҳаракати амалга оширилганлиги, М.Д нинг яшаш уйи ошхонасидаги газ баллон ёнидан бир дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси топилиб, очиб кўрилганида, уни ичида қизил йўл-йўл чизикли дафтар қоғозига ўралган ҳолдаги оқ-сарғиш рангли, ўткир ҳидли, кукунсимон “героин” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб олинганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Қ.Қучқоровнинг суддаги, 2020 йил 25 ноябрь куни соат тахминан 14.00ларда, у ва Ф.Х ИИБ ходимлари билан бирга маҳалладоши М.Д ни уйига бориб, уларни иштирокида видео кузатув камераси ёрдамида кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказишгани, кўздан кечириш давомида уйнинг ошхонасидан бир дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси топилиб, унинг ичида оқ рангли йўл-йўл чизикли қоғоз бўлагига солинган оч-сарғиш рангли кукунсимон “героин” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланганлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ф.Х.нинг Қ.Қ.нинг кўрсатувларига ўхшаш, аналогик тарздаги



кўрсатувлари;

гувоҳ Ғ.О.нинг суддаги, 2020 йил октябрь ойининг охирларида таниши М.Д уни уйига келганида, унга “героин” гиёҳвандлик моддаси борлигини, агар керак бўлса унга беришини айтганида, у гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишга қизиқиб, тахминан 50-60 минг сўмга бир чекимлиқ “героин” гиёҳвандлик моддасини сотиб олганлиги, шу “героин” гиёҳвандлик моддасини яшаш уйидаги ошхонага кириб, тутатиш усулида истеъмол қилганлиги, орадан тахминан 10-15 кун ўтгач, яна “героин” гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилгиси келиб, М.Д ни уйига бориб, ундан бир чекимлиқ гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, яшаш уйига келиб тутатиш йўли билан истеъмол қилганлиги, шу тариқа М.Д дан бир неча маротаба “героин” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, тутатиш усули билан истеъмол қилиб келганлиги, 2020 йил 22 ноябрь куни соат тахминан 08:00ларда “героин” гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиш учун М.Д.ни яшаш уйига бориб, ундан 50.000 сўм эвазига бир чекимлиқ “героин” гиёҳвандлик моддасини олгани, шунда М.Д унга “героин” гиёҳвандлик моддасини ошхонасига кириб истеъмол қилишни айтгани учун М.Д нинг ошхонасига кириб, “героин” гиёҳвандлик моддасини тутатиш усули билан истеъмол қилганлиги ҳақидаги кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари каби объектив далиллар йиғиндиси билан инкор этилади.

Судланувчи И.Б нинг шикоятдаги, унинг жазосини енгиллаштириш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмади.

Чунки, биринчи инстанция суди томонидан судланувчилар М.Д ва И.Б га нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандидаги, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, М.Д ва И.Б нинг шахсини тавсифловчи ижтимоий ва объектив омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, улар айбли деб топилган қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, шунингдек М.Д нинг илгари содир этган ўта оғир жиноятлари учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, судланганлик ҳолати тугалланмасдан қасддан ўта оғир жиноят содир этганлигини эътироф этиб, уни ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топиб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

И.Б нинг шикоятда келтирилган важлар биринчи инстанция суди томонидан унга нисбатан жазо тайинлашда эътиборга олинганлиги сабабли, айтилган пайтда унга нисбатан тайинланган жазони енгиллаштириш учун асослар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати, шикоятларда келтирилган важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суднинг ҳукмини ўзгартиришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :



Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2021 йил 10 мартдаги ДЖ.М.Э (Dj.M.E) ва Б.И.И.Ў (B.I.I.o')ларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, судланувчилар М.Д ва И.Б нинг апелляция тартибидаги шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	Б.Алиқулов
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Б.Жумабаев
“Аслига тўғри”	(имзо)	Ҳ.Ярашов

Ҳужжат имзоланган: Аликулов Баходир Арсланович, 21.04.2021

